

ОНОМАСТИКАДА АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Г. Обруева ¹

Аннотация:

Ушбу мақолада ономастика соҳасида атоқли отларнинг семантик таҳлили тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ономастика, атоқли от, антропоним, этноним, мононим, проспоним ҳагионим аптроним, аптроним, патроним, геортоним, библионим, идеоним, зооним, эргоним, бионим

doi: <https://doi.org/10.2024/589cs297>

Ономастика асосий номларнинг тарихи, ривожланиши ва фаолият кўрсатишининг аниқ қонуниятларини ўрганади. Уни ўрганишнинг ўз усули бўлиб, ономастика мустақил фан бўлишдан бошқа нарса бўла олмайди. У фанларнинг "бирикмасида" пайдо бўлганлиги сабабли, у ўрганиш мавзусининг ўта мураккаблиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, ономастика тилшуносликга тегишли бўлган барча атоқли отларни, уларнинг келиб чиқиши ва ўзгариш тарихини тадқиқ қилувчи бўлим ҳисобланиб, тилдаги барча атоқли отлар мажмуасини ўз ичига олади.

Биринчи катта гуруҳ "антропонимлар" гуруҳи ҳисобланади. Антропонимлар шахсий исмлар тўпламини ва инсон томонидан ишлатиладиган ҳар қандай исмни англатади. Ушбу гуруҳ саккизта кичик гуруҳда пайдо бўлган қуйидаги шахсий исмлар билан ифодаланади:

1) Этнонимлар, яъни халқлар ёки этник гуруҳларнинг номлари: Englishman (Englishman's, Englishman, English), Greek (Greek, Greeks), Indian, Americans, Frenchmen, Romans, Russian. e.g. "The only good Indian is, a dead Indian". Мисолдаги бу жумла америкалик генерал Филипп Шериданга тегишли. У буни рад этади. Бироқ у ҳиндларни ваҳший оломон деб билган ҳамда қаттиқ сиёсат юритиши оқибатида кўплаб, бегуноҳ ҳиндларнинг ўлимига сабабчи бўлганига шубҳа қилиб бўлмайди.

2) Исмлар - бу шахсларга атаб қўйилган номлар саналиб, улар "киши фамилиясидан фарқ қилади ва одатда, исм чақалоқ дунёга келганда қўйилади" [Адриан; 43]: Jack, Jam, Jill. e.g. "A good Jack makes a good Jill", демак, агар эр хотинига яхши муносабатда бўлса, хотин ҳам бунинг эвазига эрга нисбатан яхши муносабатда бўлади.

3) Фамилиялар ёки бирор гуруҳга аъзолик номларини тасвирловчи номлар [Keats-Rohan; 166]: Dr Diet, Dr Quiet, Dr Merryman. "The best doctors are Dr Diet, Dr Quiet, and Dr Merryman" деган мақол, асосан, соғлом ҳаёт кечириш учун биз соғлом овқат истеъмол қилишимиз ҳамда кўп дам олишимиз кераклигини англатади. Бизнинг касал бўлишимиз аксарият ҳолларда нотўғри овқатланиш, машаққатли турмуш тарзи ва стресс туфайли

¹ Г.Х. Обруева., СамДЧТИ доценти

юзага келади. Шунинг учун мазкур мақол мағзини чақиб, унга амал қилиш фойдадан холи бўлмайди.

4) Мононимлар - одамларга нисбатан қўлланиладиган ягона исмни англатадиган сўзлар; улар бир сўз ичида тўлиқ маънони ўз ичига олади. [Адриан; 64]: Adam, Agamemnon, Eve. e.g. "Brave men lived before Agamemnon". "Агамемнондан олдин жасур одамлар яшаган". Агамемнондан олдин кўплаб қаҳрамонлар яшаб ўтишган, аммо улар ҳақидаги маълумотлар тарихда из қолдирмаган. Бунга малакали, тажрибали йилномачи йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилади.

5) Проспонимлар шахснинг тўлиқ исмини кўрсатади. Улар шахснинг тўлиқ исмини "гиперонимдан иборат эканлигига, исмнинг гипоним ёки шахснинг дунёга келган илк кунлардан бошлаб унга боғланган исмга ишора қилади". [Адриан; 164]. e.g. Tom Fool, Robin Hood. (e.g. "Robin Hood could brave all weathers but a thaw wind". Аёз ёки қордан кейин эсадиган кучли шамол барча об-ҳаво турларидан ҳам таъсирчан ҳисобланади .

6) Ҳагионимлар – азиз-авлиёларнинг ҳамда Инжилда келадиган номларни англатади [Адриан; 47]: "If the mountain will not come to Mahomet, Mahomet must go to the mountain". Агар ишингиз сиз ўйлагандек кетмаса, сиз уларнинг ҳолатига мослашишингиз керак бўлади.

7) Аптронимлар. Бунга қуйидаги жумлада ифодаланган исм орқали изоҳ келтириш мумкин. "Clergymen's sons always turn out badly" гапидаги "Clergymen's" исми касб эгасининг ўз касбига мос келадиган фамилияларни билдиради.

8) Патронимлар кишининг отаси ёки аждоди номидан олинган исмлар бўлиб, улар антропонимлар, хусусан фамилиялар ҳисобланади. Улар "бобонинг отасидан ёки эркак авлоднинг асл аждодидан шаклланади". [Адриан (77)]. Масалан, Macgregor, Macdonald. e.g. "Where Macgregor sits is the head of the table". Аристократларни ҳар доим ҳам, ҳатто ёмон аҳволда бўлсалар ҳам, ҳурмат қилишади ва қадрлашади.

Иккинчи тоифа – "топонимлар" саналади. Топонимлар-бу жой ёки географик номлар гуруҳи. Ушбу гуруҳ иккита кичик гуруҳнинг жой номларини бирлаштиради:

1) Хоронимлар – "ҳар қандай мамлакат, ҳудуд, минтақа, туман ёки шунга ўхшаш" жўғрофий ҳудуднинг тегишли номларини аниқлайди. [Адриан, 20]. E.g. England (England, England's), Yorkshire, Ireland's, Sussex. E.g. "Yorkshire born and Yorkshire bred, strong in the arm and weak in the head". Бу мақол XIX асрдан бери мавжуд бўлиб, Буюк Британиянинг кўп жойларида учрайдиган таниқли қофия. Бу шуни англатадики, баъзи минтақавий типлар интеллектуал муаммоларни ҳал қилишдан кўра қўл кучини талаб қиладиган ишларни бажаришга қодирроқдир. Ёркшир учун бошқа (асосан шимолий) инглиз округлари ва шаҳарлари алмаштирилиши мумкин.

2) Астионимлар – шаҳар ва шаҳарларнинг номларини ифодалайди [Адриан; 13]: Rome, Cupar, Paris, Manchester. e.g. "What Manchester says today, the rest of England says tomorrow". Бугун қилиш керак бўлган ишни ҳеч қачон эртага қолдирманг. Қолган ишга қор ёғар.

Учинчи тоифа – "Хрононимлар". Улар вақт ёки муайян ҳодисаларнинг тегишли номларини ифодалайди [Адриан; 21]. Хрононимлар иккита кичик гуруҳга бўлинади:

1) Ҳафта кунлари: Monday, Tuesday, Wednesday. e.g. “Monday’s child is fair of face”. Душанба куни туғилган болалар чиройли кўринишга эга бўлишади. “Tuesday’s child is full of grace”. Сешанба куни туғилган болалар ҳаракатчан ва нафис бўлишади.

2) Ойлар: May, March, February, June, April, July, September. e.g. “September blow soft, till the fruit’s in the loft”. Сентябр - ҳосил оyi. Кузги шамоллар меваларни йиғиб, сақлашгача давом этишни орзу қилади. “November take flail, let ships no more sail”. Бу, шубҳасиз, йилнинг энг ғамгин оyi. Қора туманлар, кўрғошин осмон, ёмғир тошқини ва дарахтлар барглари охириги қолдиқларини силкитадиган бўронлар бу оyнинг ўзига хос хусусиятлари саналади.

Тўртинчи гуруҳ – “Идеонимлар”. Идеонимлар мавҳум атоқли отларнинг номларни билдиради [Адриан; 53]. Улар икки кичик гуруҳга бўлинади:

1) Геортонимлар: байрамлар ёки муҳим саналар номларини ифодаловчи сўзлардир [Адриан; 48]: Candlemas day, Saint Swithun’s day, Saint Paul’s day, Saint Thomas, Christmas, Yule. e.g. “A green Yule makes a fat churchyard”. Бу мақол салқин ёз ва юмшоқ қиш келганда ишлатилади.

2) Библионимлар барча ёзма ва оғзаки матнларнинг тегишли номларини, шунингдек, уларнинг туркумлари ва тўпламларини ўз ичига олади: Scripture. Масалан “The Devil can quote Scripture for his own ends.” Бу ақли кишининг сўзларни бузиб гапириши ҳақида айтилган. Нотўғри иш қилган киши учун Муқаддас Китобдан танлаб иқтибос келтирилиши мумкин.

Бешинчи гуруҳ – “Теонимлар”. Теонимлар худо, маъбуда ёки худонинг исмларини билдиради. Бу гуруҳ кўплаб сўзларни ўз ичига олади: Devil (Devil, Devil’s), God (God, God’s), Mammon, Divine. e.g. “You cannot serve both God and Mammon. Ҳеч ким бир вақтнинг ўзида иккита хўжайинга хизмат қила олмайди. Сиз ё бирини хор қилиб, иккинчисига сажда қиласиз, ёки бирига сажда қилиб, иккинчисини менсимайсиз. Сиз бир вақтнинг ўзида Худога ва пулга хизмат қила олмайсиз.

Олтинчи гуруҳ “Зоонимлар”. Зоонимлар ҳайвонларнинг номларини белгилайди. Бу гуруҳга 3 та тегишли исм киради: Brag, Holdfast, Lovell. Масалан “Brag is, a good dog, but Holdfast is better”. Мақтаниш яхши, лекин жим турган маъқул.

Еттинчи гуруҳ – “Эргонимлар”. Ҳамкорлик билан иш қилинган ташкилотларнинг номлари эргонимлар билан аниқланади (устахона, компания, умуман олганда, ҳар қандай ташкилот бўлиши мумкин). Масалан The Court of Session, the Church. “The blood of the martyrs is the seed of the Church”. Кимнидир йўқ қилиш ҳиссиётларни уйғотади, эски тартибларни бузган ҳолда илҳом уруғини сепади.

Саккизинчи гуруҳ – “Бионимлар”. Бионимлар тирик мавжудотларнинг номлари. Бу гуруҳ учун фақат битта оним мавжуд: Nature. “You can drive out Nature with a pitchfork, but she keeps coming back”. Бу биз ўзимизни олиб қочган нарса ёки ҳодисага қайтишимизни англатади. Нимадан қочсангиз, шунга дуч келасиз маъносида қўлланади.

Таҳлил натижасига кўра, теонимлар энг кўп қўлланадиган атоқли отларга киради. Бу худо ва иблис ўртасидаги қарама-қарши фарқни, шунингдек, инглиз халқининг ғайри табиий кучларга бўлган кучли ишончини ифодалайди. Антропонимлар эса инглиз халқининг фамилиялари ва исмлари дир. Бундан ташқари, улар муҳим тарихий шахсларни ҳам тасвирлайди. Топонимлар тарихий шаҳарлар ҳақида маълумот беради,

International Conference

HUMANISTIC ROLE OF LANGUAGE AND LITERATURE IN THE CONTEMPORARY GLOBALIZATION

шунингдек, инглизларнинг ушбу жойларга бўлган муносабатини тасвирлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. *Adrian Room An Alphabetical Guide to the Language of Name Studies.* Lanham and London: The Scarecrow Press, 1996. -347 p.

[2]. *Norrick N. R. Proverbs as set phrases. In H. Burger et al. (Eds.) Phraseology: An international handbook of contemporary research, 28(1) Berlin: de Gruyter, 2007. -540 p.*

[3]. *Winick Stephen D. "Intertextuality and Innovation in a Definition of the Proverb Genre." In Cognition, Comprehension, and Communication: A Decade of North American Proverb Studies (1990–2000), ed. by Wolfgang Mieder. Baltmannsweiler, Germany: Schneider Verlag Hohengehren, 2003. – 604 p.*

[4]. *Wray A. Formulaic Language and the Lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 2002.- 344 p.*